Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 7 сентябрь сешанба

Сотувда эркин нархда № 177 (2215)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

***Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутади:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

6. Белгилансинки, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тижорат банкларида жорий ҳисобварақлар очган ҳолда юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари рўйхатини 1999 йил 1 октябргача белгиласин;

бюджет ташкилотлари фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативларини 1999 йил 1 ноябргача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бюджет ташкилотларини 2000 йил 1 январдан бошлаб маблағ билан таъминлашнинг янги шартларига ўтказишга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда — Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини, Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда — Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мол-мулкини бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, бунда:

бюджет маблағларидан, шу жумладан Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши;

штат-смета интизоми бузилиши;

харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олсин.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин. Бунда бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 сентябрь.



## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОН-ХИРМОН

*Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли жамоа хўжалигининг Сафарали Омонов бошлиқ бригада пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик режаларини 27 август куни бажардилар. Мавжуд 37 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан хомашё йиғиштириб олинди.*

*Хўш, бундай муваффақиятга қандай эришилди?*

*Ўтган йили жамоа хўжалиги мутахассислари Болгариядан «Белий извор» навли пахта уруғини олиб келиб, синовдан ўтказишди. Натижа ёмон бўлмади. Муҳими, бу нав ўзининг эртапишарлиги, ҳосилнинг сифатлилиги билан барчага маъқул келди. Шу боис бу йил мазкур нав 645 гектар майдонда парвариш қилинди. Сафарали Омонов бригадасида бўлгани каби бошқа бригадаларда ҳам ҳосил мўл. Хўжалик меҳнаткашлари йиллик режани 10 сентябрга қадар уддалашни мўлжаллаб туришибди.*

СУРАТДА: илғор теримчи Одинахон Марозиқова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## “ИПАК ЙЎЛИДА ТЕЛЕБОЗОР-99”

Дунё кун, соат сайин ўзгармоқда. Бугун яратилган техника эртага ўрнини бошқасига бўшатиб беришга мажбур бўлаётир. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам замонавий техникасиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабаб барча телекомпаниялар ўз фаолиятида энг илғор техника воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади, бу борада турдош компаниялар билан изчил ҳамкорлик қилади. Зеро, ахборотга эгалик — вазиятнинг кейинги “об-ҳавоси”ни белгилашда муҳим омил бўлади ва бунда техниканинг замонавийлиги, имкониятлари ғоят муҳимдир.

Дунё мамлакатлари билан интеграциялашув йўлида тобора илдам одимлаётган Ўзбекистон ҳам жаҳон телекоммуникация бозорида ўзининг муносиб ўрнини топиш, бунинг учун унинг янгиликлари, ўзгаришлари, ютуқ ва камчиликларидан воқиф бўлиб туришга интилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самара бериб, муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда.

4-5 сентябрь кунлари “Интерконтинентал” меҳмонхонасида ўтказилган “Ипак йўлида телебозор-99” халқаро телевизион кўргазмасини ташкил қилишдан мақсад ҳам хорижликлар билан бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдир. Унда дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, дунёнинг етакчи телемутахассислари МДҲ давлатлари орасида биринчи бор Ўзбекистонда бундай катта даврага тўпланди.

Кўргазмада АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби кўплаб ривожланган мамлакатларнинг телекомпаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Тадбир доирасида Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, телебизнесдаги сўнгги янгиликлар, қўшма теледастурлар тайёрлаш ва айирбошлаш, муаллифлик ҳуқуқи ҳамда ўзаро тажриба алмашиш борасида семинарлар ҳам ўтказилди.

**(ЎзА)**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ҳамда халқига энг эзгу ва самимий қутловларимни қувонч билан изҳор этаман.

Ҳозирги дунёда бизнинг олдимизда турган муаммоларнинг кўпчилиги — қашшоқлик ва ҳаддан ташқари тенгсизликдан то атроф-муҳитнинг инқирози, гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланиши, касалликларнинг ёйилиши ва қурол-яроғнинг тарқалишигача бўлган муаммолар халқаро кўлам касб этган. Ана шу хавф-хатарга қарши курашиш ҳамда глобаллашув туфайли яратилган имкониятлардан фойдаланиш учун халқлар кўпдан-кўп масалалар бўйича ҳар қачонгидан кўра кўпроқ биргаликда яқин ҳамкорликда ишлашлари даркор. Шу тариқа, биз кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг қамровли лойиҳасини янги босқичга олиб чиқишимиз лозим.

Жаҳон миқёсида қонуний ва барчага баровар бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё халқлари олдида турган хавф-хатарга қарши курашда уларга кенг қамровли ва бирлашган тарзда ёрдам кўрсатиш масаласида ноёб ҳолатдадир. Олға томон ҳаракат қилиб бораверганимиз сари мен Ўзбекистоннинг том маънодаги жаҳоншумул тинчлик миссиямизга изчил содиқ бўлиб қолаётганлигидан куч-қувват олишни давом эттираверaман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган бағоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Миллий байрамингиз муносабати билан Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекисон халқининг келгусида равнақ топишини истаб билдирган қизғин ва самимий истакларимни йўлламоқдаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверишини истайман.

Сиз, Жаноби Олийларига шахсий омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

**Карло Адзельо ЧАМПИ,**
**Италия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Азиз қардошим,

Қардош Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигини самимий туйғуларим билан муборакбод этаман.

Ўзбекистоннинг қисқа вақт мобайнида барча соҳаларда эришган ютуқларини мамнуният билан кузатиб бормоқдаман. Туркия Жумҳурияти давлати Ўзбекистон билан бўлган алоқаларга муҳим аҳамият бериб, қардош халқларимиз ўртасидаги қадим тарихга асосланаётган ришталарни мустаҳкамлаш йўлида қатъийлик билан куч сарфлашни давом эттираверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Зоти олийларига ва Сиз орқали қардош ўзбек халқига омонлик ва бахт тилаб билдирган табрикларимни қабул этгайсиз.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан қутловларимни ҳамда Сизга эзгулик ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллаш менга бағоят зўр мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония императори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни билан Сизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Шуни қувонч билан қайд этаманки, Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар шериклик ва ҳамкорлик руҳида ривожланиб бормоқда, бу эса ҳар икки минтақада барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Президент Жаноблари, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда Сизга катта муваффақиятлар тилайман.

**Вацлав ГАВЕЛ,**
**Чехия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва бутун халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига қизғин қутловларимни ва эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Ўтган йиллар Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик салмоқли даражада ўсганлигидан далолат бермоқда. Бу муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверишига ишонаман.

Жаноби Олийлари, сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар ҳамда мамлакатингизнинг абадул-абад гуллабяшнашини тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ким Дэ ЖУН,**
**Корея Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий қутловларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Бошланган ўзгартиришларни янги куч-ғайрат билан давом эттириш ва Ўзбекистонни янги минг йилликка олиб кириш учун эришилган натижаларга мана шу шонли кунда назар ташлаш зарур деб ўйлайман. Бутун минтақада хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатларини ҳамда Сизнинг шахсий ҳиссангизни, шунингдек Марказий Осиё халқларига тинчлик ва тотувлик олиб келиш истагини Латвия юксак баҳолайди.

Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мавжудлигини, шунингдек Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганлигини қувонч билан қайд этиб ўтаман. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик янги ҳамкорлик соҳаларини ривожлантириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Пировардида яна бир бор шахсан ўз номимдан ва Латвия халқи номидан Сизни тантанали кун билан муборакбод этишга ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бундан буён ҳам равнақ ва омонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром билан,

**Вайра ВИКЕ-ФРЕЙБЕРГА,**
**Латвия Республикаси Президенти.**

(Давоми 3-бетда).

## СОВҒА МУБОРАК, КИЧКИНТОЙ!

Бу йил етти ёшга тўлган неварам Феруза Сирғали туманидаги 300-ўрта лицей мактабнинг 1-Б синфига борди. Биринчи ўқиш кунидан ҳаяжондан юзлари порлаб, қувончи чексиз бўлиб уйга кириб келди. Уни тушунса бўларди. Неварам мактаб деган янги дунёнинг эшигидан илк марта ҳатлаган, демак ҳаётида янги уфқ очилган эди. Таассуротларнинг ўзи бир дунё эди. Ва бу таассуротлар, бу чексиз қувонч ва ҳаяжоннинг яна бир муҳим сабаби бор эди. Бу — унинг қўлидаги яп-янги, очқичлари кундай ялтираб турган, чармлари кўзни оладиган чиройли мактаб сўмкаси эди.

— Бу сўмкани Президент бобом совға қилиб бериб юборибдилар. Муаллимам Унсин опа айтдилар, — деди Феруза гул-гул ёниб. Сўнг бидирлаб давом этди. — Ичида яна совғалари бор.

Шундай деб, сўмкасини очди-да, ундаги хилма-хил ўқув буюм-қуролларини битта-битта чиқариб, бизга кўз-кўз қила кетди.

— Мана, бира-тўласига ўн иккита дафтар. Мана бу ручка, бу эса қаламдон. Мана бу оддий қора қалам, лекин мана булари рангли қаламлар. Расм дафтарим ҳам бор. Булар эса рангли қоғоз, акварел бўёқлар, мана бу ўчиргич, елим, мана пластилин. Мана китоблар, — деб сўмкадан чиройли қалин муқовали дарсликларни чиқариб хонтахтага ёйиб ташлади.

Неварам совғаларини ёяр экан, уй ичи бисотга тўлиб, хонадонимиз бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Энг муҳими, дўмбоқ Ферузанинг қувончи, хурсандчилиги эди.

Уни бу ноёб совғалар билан табриклаб бағримга босдим. Фақат Президент бобонгнинг ишончини оқлагин, яхши одобли, аълочи қиз бўлиб ўқигин, болам, — деб пешонасидан ўпдим.

— Президент бобом ҳам бу совғаларни олган болалар ва қизалоқлар фақат яхши, зўр ўқисин, дебдилар, — деди Феруза ҳамон ҳаяжонланиб.

— Ана, кўрдингми, бу сўзлар зинҳор эсингдан чиқмасин, — дедим унинг қувончи менга ҳам ўтиб. Хуллас, уйдагилар ҳаммамиз уни яна бир карра биринчи ўқиш куни ва табаррук совғалар билан табрикладик...

Мен атиги битта хонадон,

**МУНОСАБАТ**

ўз уйимдаги қувонч тўғрисида гапираяпман. Модомики, шу сентябрь ойининг биринчи кунида мамлакатда 677 минг 486 нафар кичкинтой биринчи синфга қадам қўйган. Ва уларнинг ҳар бирига муҳтарам Юртбошимизнинг алоҳида совғалари насиб этган. Демак, юзминглаб хонадонда мамлакат отасининг меҳри, мурувввати ўша лаҳзаларда нур сочиб турган. Шунча хонадоннинг ҳар бирида ўзгача бир байрам рўй берган.

Худди шу воқеа мени хаёлга толдирди. Чиндан ҳам, ахир қайси мамлакатда бундай бўлаябти? Совғаларни қўяверинг, шунчаки болаларнинг тинчлиги, омонлигини кафолатлаш, уларнинг соғлиги, тирикчилигининг ўзи катта муаммога айланиб турган мамлакатлар озми атроф дунёда? Буларни ўйлашимиз керак. Ўйлаганинг сари эса, биздаги ҳаёт олий неъмат эканлигини янада чуқурроқ ҳис қиласан. Билим дунёсига йўл олган ўз митти фарзандларининг биринчи қадамларини қутлаган мамлакат фуқароси бўлганлигингдан юрагингда шукроналар уйғонади.

Тасаввур қилиб турибман. Ушбу совғаларни бу қадар катта миқдорда тайёрлаш ҳам осон бўлмаган, албатта. Фақат шу йилнинг ўзида биринчи синф ўқувчиларига совғалар ҳозирлаш учун 1 миллиард 200 минг сўм, боз устига, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич (1-4) синфларга борадиган болаларини иссиқ кийим-бошлар билан бепул таъминлаш учун яна 1 миллиард 600 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Болалар учун мактаб сўмкалари, уларга жойланган 12 хил ўқув қуроллари, дарсликларни, шунингдек, болалар куртқалари, оёқ кийимлари, қалпоқ ва қўлқопларни юзминглаб нусхаларда ҳозирлаш учун республиканинг ўнлаб, ҳар хил корхоналари неча ойлаб тинимсиз ишлади. Ватанимизнинг Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ходимлари шу ойлар ичида кеча-кундуз тиним билмади. Бунинг устига, худди шундай улкан миқёсдаги ҳадялар ҳар йили мунтазам қилиняпти... Буларнинг барчаси битта нарса учун: халқни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш кўнгилдагидай бўлсин деб, болаларимиз эса ўз она-мамлакатининг, давлатининг эътиборини ҳис қилсин деб...

Энг муҳими, буларнинг ҳаммасининг асосида улуғ бир мақсад турибди: мустақил Ўзбекистон ўз келажагига катта эътибор бермоқда. Болалар эса мамлакатимиз келажаги. Улар қандай ўсса — келажак ҳам шунга яраша бўлади. Шу боиски, Ватанимизда таълим тизими чуқур ислоҳ қилиняпти. Болаларимиз тамомила янгича бир шароитда ўқиб камолга етяптилар. Ўқувчи болакайларга мамлакат раҳбарининг совғаси — ана шу улкан саъй-ҳаракатнинг ёруғ бир ифодасидир.

Инсон ўзи яшаётган жамият, давлат, ҳукумат раҳбарияти эътиборида эканлигини ҳис қилса, унинг руҳи янада мустаҳкам, орзу-интилишлари янада дадил ва жасоратли бўлади. Болаларимиз ана шундай юксак ижтимоий-инсоний эътибор муҳитида ўсаяпти. Бунинг самараси ҳам бошқача бўлиши табиий.

Ниятларимиз катта ва ёруғ: халқимиз юксак маънавиятли бўлсин. Бундай фазилат унинг биринчи қадамлариданоқ шаклланa борсин, мамлакатимиз иқтисодий баркамол давлатлар қаторидан ўрин олсин. Мустақил Ўзбекистон ўзининг қадимий шон-шуҳратини қайта тиклаб, тағин энг обрўли мамлакатлар қаторига кўтарилсин ва бу обрў янада сарбаланд бўлсин. Илк қадамларидаёқ Президент бобосининг совғаларига, оталарча ғамхўрлигига сазовор бўлган кичкинтой! Аввало, сенга бу совғалар муборак бўлсин! Сен эса шу ишонч, шу эътиборга муносиб бўлиб улғай, камол топ! Мамлакатнинг умиди шу сендан!

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БОКС

# БАЛЛИ, ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ!



1974 йил. Куба, Гавана. Бокс бўйича биринчи жаҳон чемпионати. Ўзбек ўғлони Руфат Рисқиев мазкур чемпионатнинг биринчи жаҳон чемпиони, олтин медаль соҳиби бўлди. Аммо ўшанда на Ўзбекистон байроғи хилпиради, на мадҳияси... Фақат Руфатнинг қалбида бир армон садо берди.

Шундан бери орадан 25 йил вақт ўтди. Эндиликда кўксидаги ватанпарварлик ғурури, йигитлик ори билагига, бутун вужудига куч-қувват бағишлаган ўзбегимнинг яна бир танти фарзанди Ўткирбек Ҳайдаров Руфатнинг муваффақиятини такрорлади.

Ўхшашликни қаранг. Руфат ҳам, Ўткирбек ҳам океан ортида, юртидан анча олисда зафар қучди. Иккаласи ҳам кучли рақиблари устидан муносиб ғалабага эришди. Бутун дунё спорт аҳли ўзбек боксининг оламшумул ютуғига яна бир бор тан берди. Бор-йўғи 8 йил олдин мустақилликка эришган Ўзбекистон давлатининг мадҳиясини тик оёқда туриб тинглади.

Бу воқеалар Американинг Хьюстон шаҳрида содир бўлди. 83 мамлакатдан келган энг кучли спортчилар иштирок этган бокс бўйича X жаҳон чемпионатида иккита олтин, битта кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон боксчилари умумжамоа ҳисобида АҚШ ва Кубадан кейин фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Агар Ўткирбек 75 килограмм вазнда шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилган бўлса, 63,5 килограмм вазнда ҳам яна бир вакилимиз — Маҳаммадқодир Абдуллаевга тенг келадигани топилмади. Барча жангларни ғалаба билан якунлаган Маҳаммадқодир Ватанимиз байроғини даст кўтариб, шуҳрат шоҳсупасига чиққанида залга йиғилган томошабинлар беихтиёр қарсак чалиб юборгани ҳам ўзбек спортининг жаҳон спортида муносиб ўрин эгаллаганининг исботидир. 57 килограмм вазнли спортчилар тоифасида рингга тушган Тўлқинбой Турғунов ҳам баҳсларни мардона ўтказиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

Боксчиларимизнинг оламшумул муваффақияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Президентимиз Фармони билан Маҳаммадқодир Абдуллаев «Эл-юрт ҳурмати» ордени, Ўткирбек Ҳайдаров ва Тўлқинбой Турғуновлар эса «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотландилар. Ўзбек ўғлонларининг Америка заминидаги бундай юксак ғалабаси мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйига ўзига хос тўёна бўлди десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Куни кеча Ўзбекистон аҳли Тошкент аэропортида ўз қаҳрамонларини кутиб олди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари, қўлларида гул кўтарган миллий либосдаги қизлар, микрофон, диктофон тутган журналистлар қуршовида қолган боксчиларимиз ўз ҳаяжонларини яшира олишмади.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — деди жаҳон чемпиони М. Абдуллаев. — Эндиги мақсадимиз 2000 йил Сиднейда бўладиган Олимпиадада ўз ғалабаларимизни мустаҳкамлаб, бугунги ютуғимиз тасодиф эмаслигини исботлашдир.

Қисқа фурсат ичида дунёга ўз сўзини айтиб улгурган ўзбек боксининг муваффақиятидан таъсирланган Ҳаваскорлик бокси Халқаро ассоциацияси президенти, профессор Анвар Чоудри ва мазкур ассоциация бош котиби Лоринг Бейкер Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга табрик телеграммаси йўллашди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Жаҳон Ҳаваскорлик бокси ривожига қўшаётган шахсий ҳиссангиз учун Сизга самимий миннатдорчилик билдирамиз».

Ҳа, азизлар. Энди не бир машаққат, тинимсиз меҳнат ва тайёргарлик билан жаҳонни лол қолдирган спортчиларимиз кўнгли Руфат Рисқиев сингари армон билан эмас, аксинча, ғурур, ифтихор билан тўлади. Ватандошининг ғалабасидан шодланган одамлар кўзи, юзидаги қувонч эса узоқ йиллар уларга доимий ҳамроҳ бўлади. Зеро бундай ғалабаларни, бундай ютуқларни ҳар қанча мақтасак арзийди.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**А. РИСҚИЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

Теннис: БМТ кубоги

## РАҚЕТКА ТУТГАН БОЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда теннисни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Деярли ҳар йили бир нечта халқаро мусобақалар ўтказилаётир. «Президент кубоги», «Сателлит», «Челенжер», «Тошкент опен» ана шулар жумласидандир. Эндиликда улар қаторига яна бир турнир қўшилмоқда.

8-12 сентябрь кунлари республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки спорт мажмуида болалар ўртасида теннис бўйича БМТ кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтади. Мазкур турнирни БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамкорликда ташкил этишган.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Япониянинг «НЕК» компанияси, «Нестле» фирмаси, «Бузтон», «Найт» қўшма корхоналари республикамиздаги ёш, иқтидорли теннисчиларни кашф этишга қаратилган ушбу беллашувларга ҳомийлик қилишади.

Жами 64 нафар ўсмир ва қизлар иштирок этадиган турнир икки гуруҳга бўлиб ўтказилади. Биринчи гуруҳда 13 ёшгача бўлганлар, иккинчисида эса 14 дан 16 ёшгача бўлган ўсмир ва қизлар кортга тушадилар. Турнир ғолиблари «Пентиум-2» замонавий компьютерлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

**О. РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЎХШАШИ ЙЎҚ ХИЁБОН

Алпомиш юрти Сурхондарёда юбилей тантаналарига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Термиз шаҳридаги "Дўстлик" истироҳат боғи ёнидаги ўн гектарлик майдонда "Алпомиш" хиёбони, унинг марказида улкан кўл бунёд этилмоқда.

Хиёбоннинг асосий қисмини ёпиқ ва очиқ теннис кортлари, спорт майдончалари, кураш зали, турли томошалар кўрсатиладиган улкан саҳна эгаллайди. Кўл устидан ўтадиган кўприк орқали Алпомишнинг йигирма метрли ҳайкали томон йўл қурилади. Ҳайкал атрофлари гулу гулзор ва манзарали дарахтларга бурканади. Фавворалар ўрнатилади. Барча бунёдкорлик ишлари улкан тўй кунигача ниҳоясига етказилади.

**Ч. ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ДАВРА СУҲБАТИ

Фан ва техника давлат қўмитаси, Давлат илмий-техника ахборот фонди, республика илмий-техника кутубхонаси Ёш олимлар миллий жамияти билан биргаликда Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида "Илм-фаннинг мустақил Ўзбекистонда тутган ўрни, тараққиёти ва роли" мавзуида давра суҳбати ўтказдилар. Республика илмий-техника кутубхонасининг биносида ўтказилган бу анжуманда Фан ва техника давлат қўмитаси вакиллари, Давлат илмий-техника ахборот фонди ходимлари, кутубхона хизматчилари, Ёш олимлар миллий жамиятининг аъзолари ва фаоллари иштирок этишди. Учрашувда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг давлатимизда илм-фан мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритгани эътироф этилди.

Бугунги кунда бизда илм-фан ҳақиқий амалий аҳамият касб этиб, халқ учун хизмат қилмоқда, фундаментал назарий фанлар, кўп сабабларга кўра, ўзининг амалий ифодасини топмай, олимлар фақат қоғозбозлик учун ишлайдиган давр ўтиб кетди. Мустақиллик шароитида олимларнинг илмий ишлари реал, амалий маъно касб этмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек миллий илм-фанини тараққий эттиришдаги хизматлари ва ўрни, фундаментал ва амалий тадқиқотларни равнақ топтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, ёш илмий кадрларни шакллантириш, Ватанимизнинг интеллектуал келажагини таъминлаш йўлидаги ғамхўрлиги алоҳида таъкидланди.

Суҳбатда ҳозирги илм-фаннинг бошқа яна кўпгина муаммолари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз.**


МЕБЕЛЬ САЛОНИ

A OSIYOB

*Италия, Голландия ва Дания усталарининг энг яхши офис мебель тўплами*




Тошкент, Матбуотчилар кўч., 32. Тел.: (371) 133-80-40 133-89-27

- эркин тўплам
- каталог бўйича танлаш
- элтиб бериш ва йиғиш

1816



КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

сув иситиш ва буғ қозонларини таъмирлаш;

қозонхоналарни қуриш ва ускуналарни созлаш ишларини бажариш;

ШУНИНГДЕК,

қозонлар ва қозонхоналар учун жиҳозлар етказиб бериш.

Тел: (372) 137-49-08, 30-44-28, 30-37-15.

LL@1956



Ташкилот пул ўтказиш йўли билан

1993 йилгача чиқарилган "DAEWOO PRINS" автомашинаси кузовини ёки шу маркадаги бузуқ автомашинани



СОТИБ ОЛАДИ

Тел: (3712) 30-20-05, 24-05-41.

2060



SIEMENS




Бу бирданига кўзга ташланмайди:
Бизнинг махсус SCEHIC русумли компьютерларимизда кўплаб ҳимоя воситалари, енгил замонавийлаштириш ва қўшимча фойдали вазифаларни бажариш имкониятлари мавжуд. Ташқаридан "фақатгина" юқори сифатда тайёрланганлиги ва бежирим безатилганлиги кўриниб туради. Ичкарисида эса биз ишончли капитал қўйилма, деб атайдиган нарсалар жойлашган.
Шунингдек, ахборотларнинг ишончлилиги билан ҳам ажралиб туради.
SCENIC PC Intel' Pentium' II ва Celeron'-TM
Процессорларида ишлайди.

Сизларни http://www.siemens. com/pc да кутамиз.

40-67-51; 132-03-14 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.
Манзилимиз: 700000, Тошкент, А. Толстой кўчаси, 23.

Бизнинг ҳамкорларимиз:
Хайтек, тел: 133-59-10.
Аверс, тел: 144-66-66, факс 144-40-39.
Юнивит, тел: 120-67-69.
Микрос, тел: 132-14-33, 132-12-77.
Modern Tehnologies, тел: 133-84-67, 56-50-02., факс 136-26-85.
NG Service, тел: 137-22-75, 137-22-76.
Саркор-Компьютек, 132-00-00, факс 133-48-41.

intel inside pentium II xeon processor

SCENIC & PRIMERGY

1858-1



ЖИЗЗАХ, НАВОИЙ, СУРХОНДАРЁ, БУХОРО, ҚАШҚАДАРЁ, ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИ ҳамда ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона ва фирмалар ДИҚҚАТИГА!

«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ»

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрами муносабати билан компьютерлар ва бошқа идорабоп техника нархлари камайтирилганлигини эълон қилади. Компьютер технологияси бозорида иш олиб бораётган корхоналар ва фирмаларни манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликка таклиф этамиз.*



*Дилерларга қўшимча чегирмалар қилинади. Тўлов шакли — исталганича.*

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222.
Тел/факс: 21-32-92, 22-82-57, 22-24-75, 22-09-54.

Ф/2040


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Панжи Тангриевга волидаи муҳтарамаси
**Анорхон ая ТАНГРИЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқаро телеком» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси бош директор муовини Аъзам Избосаровга волидаи муҳтарамаси
**ШАҲРИБОНУ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Х. Ғофуров номидаги Марғилон ҳисоб-кредит техникумининг директори Б. Маҳкамовга волидаи муҳтарамаси
**Маҳбуба ая МАҲКАМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Гўшт-сутсавдо» ДАЖ жамоаси Тошкент шаҳар собиқ «Узмясомолторг» идорасининг бошлиғи
**Рамиз МИРСАИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши уруш фахрийси Мадамин Ҳасановга невараси
**ЗОКИРЖОНнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси кафедраси доценти Астанов Руслан Аблақуловичга волидаи муҳтарамаси
**ЭСЬМА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.00*
1 2 3 4 5 6